



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 24 июль, № 150 (7380)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги икки ярим йилда Президентнинг эътиборидан ортиқ Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли руҳсатномалар олиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қўлайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга қўмақлашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошири.

Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Кичик бизнес мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Кўпгина вилоятларда экспортнинг 70 — 90 фоизи айнан кичик бизнесга тўри келади. Жорий йилнинг 6 ойида тадбиркорлик субъектлари сони 60 мингтага ортган.

Йиғилишда ушбу кўрсаткичлар ислохотларнинг дастлабки натижалари экани таъкидланиб, асосий эътибор ханузгача учраётган муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари мутлақо янги ҳал, 70 фоиз вақтини ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга сарфлаши кераклигини таъкидлади.

Барча даражадаги ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари фаолиятига янги ташкил этилган ёки фаолияти қайта тикланган кичик корхоналар ва уларда яратилган ўш ўринлари сонидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериб, рағбатлантириш бўйича янги тизим жорий этиш вазифаси қўйилди.

Баҳо беришда корхоналарнинг яшовчанлик кўрсаткичи асосий мезонлардан бири бўлиши кераклиги белгиланди. Яъни ташкил этилаётган корхоналарнинг камида 50 фоизи кейинги 3 йил давомида ишласа, ҳоким ва унинг тадбиркорлик бўйича биринчи ўринбосари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлими раҳбарларини қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ушбу янги тизимни жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Президентнинг Сирдарё вилоятига ўтган ҳафтадаги ташрифи доирасида Ховос тумани "Тадбиркорлик ҳудуди"га айлантириш бўйича тақлиф этилган ташаббусни амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи ҳар бир туманининг салоҳиятидан келиб чиқиб, кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиши зарурлиги қайд этилди. Ушбу тақлифлар асосида тадбиркорларга уларни амалга ошириш, кредит, ер ва бино ажратиш, инфратузилмага улаш каби барча масалаларда қўмақлашилди.

Видеоселектор йиғилишида саноат соҳасидаги кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида кооперацияни кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, автомобилсозлик ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги тармоқлари ўрганилган тадбиркорлик субъектлари ва йирик саноат корхоналари ўртасида кооперация деярли йўқлиги, оқибатда юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар импорт қилинаётгани маълум бўлган. Ачинарлиси, айрим саноат корхоналари кичик ишлаб чиқарувчилар у ёқда турсин, харидорлар талаби билан ишлашни ҳам билмайди.

Шу боис Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ўнга йирик саноат тармоғи, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, электротехника, қурилиш материаллари, кимё, автосаноат корхоналари билан кичик бизнес ўртасида саноат кооперациясини йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда кооперация ярмаркалари ўтказиш, маҳсулот ва хизматлар ўз эгасини

топиши учун "Ягона электрон кооперация биро-жа портали"ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда тадбиркорлик ривожига тўсик бўлаётган яна бир муаммо — лойиҳаларни жойлаштириш учун ер ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу тизим ханузгача очик-ошкора ишламаётгани кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, 3 минг 500 гектар майдон "Ер-электрон" ахборот тизимига тақдим этилган бўлса-да, шундан 1 минг 300 гектари ёки 37 фоизи савдога қўйилган, холос.

Шу боис мутасаддиларга ер ажратиш масаласини идоралар билан келишиши, бинони рўйхатдан ўтказиш жараёнларини тўздан соддалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишини яхшилаш ва ажратилаётган кредитлар самарадорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда кредит олиш истагидаги тадбиркорнинг мурожаати 3 босқичда, яъни туман — вилоят — республика даражасида кўриб чиқилади. Банкнинг марказий идораси розилик бермаса, тадбиркор кредит ололмайдди. Оқибатда бу жараён айрим ҳолларда ойнаб чўзилиб кетаяпти.

Шу боис банкларда кредит ажратиш масалаларини бир ва икки поғонага ўтказиш, 70 — 100 нафар ходим ишлайдиган филиаллар ўрнига 10 — 15 нафар штатдан иборат икчам банк хизматлари марказларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбиркорларнинг кредит фоиз ставкаларига оид фикрлари муҳокама қилинар экан, кредитлар бўйича кафолат бериш ва фоизларни қисман қоплаш мақсадида ташкил қилинган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини кўнайтириш муҳимлиги айтилди.

Тадбиркорларнинг бино-иншоотларини бузиш ва бунинг учун компенсация тўлаш борасида тизимли ёндашув йўқлиги танқид қилинди.

Албатта, жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари давомида айрим биноларнинг бузилиши табиий ҳол. Бироқ аҳоли пунктларини истиқболда ривожлантириш режаларини ҳисобга олмасдан, катта ҳудудларда жойлашган иншоотлар бузиб юборилаётгани оқибатда жуда кўп миқдорда компенсация тўловлари келиб чиқмоқда. Ҳокимликлар бузи-

ладиган биноларнинг ўрнида янги корхоналарни қуриш бўйича инвесторларни топиб, компенсация тўлови уларнинг ҳисобидан тўлашни таъминламаётгани сабабли ушбу харажатлар Давлат бюджети зиммасига тушмоқда.

Барча ҳокимларни қатъий огоҳлантираман — асосли зарурат бўлмаган ҳолда тадбиркорларга тегишли мол-мулкни бузишга умуман йўл қўйилмаслиги зарур ва шарт, деди давлатимиз раҳбари.

Адлия ва Молия вазирликлари, Савдо-саноат палатасига Бизнес-омбудсман иштирокида мол-мулкни бузиш ва компенсация тўлаш тартибларини янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф қилиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда суд тизимининг кичик бизнес субъектлари мурожаатларига ёндашуви хусусида ҳам сўз борди.

Маълумки, ҳорижий тажрибада 70 фоиз низо-лар судга ҳал этилади. Чунки ишларни судда кўриб чиқиш катта харажат ва кўп вақт талаб этувчи жараён ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан тадбиркорлар билан бевосита ишлайдиган давлат идораларида низо-ларни судга ҳал қилиш тузилмаларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Адлия вазирлиги, Олий суд ва Савдо-саноат палатасига муқобил ҳақамлик судлари фаолияти ва медиация институтини кенгайтириш масалаларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тизимида Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги ташкил этиш тақлифи билдирилди. Янги агентлик мазкур соҳани юксалтириш бўйича давлат сийосатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб боради.

Фақат катта корхоналар қуриб, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, бюджет тушумларини кўпайтириш масалаларини тўлиқ ҳал эта олмайдими. Турмуш даражасини юксалтиришнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

Ў.А.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАОБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, шунингдек, тижорат банклари микромолиялаштириш жараёнига жалб қилиш бўйича қўрилаётган чоралар республикада микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини етарли даражада кенгайтиришга имкон яратганлигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, микромолиялаштириш соҳасини тартибга солиш бўйича халқаро тажриба аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кредит ташкилотларининг салоҳиятини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли микромолиялаштириш қонунийлигини яхшилаш, унинг энг яхши амалиётларини, шу жумладан, масофадан туриб хизмат кўрсатиш имкониятларини жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, аҳолида ҳаддан ташқари қарз юки шаклланишининг олдини олиш, аҳолининг молиявий савдоқонлигини, молиявий оммабоплигини ошириш ва мазкур хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш республикада микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишлари бўлиши лозим.

Микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишни қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5614-сон Фармони билан белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий оммабоплик соҳасидаги илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, таркибида молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтиришни, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий савдоқонлик даражасини оширишни, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи **Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини** (кейинги ўринларда — Миллий стратегия) ишлаб чиқишга Жаҳон банкнинг техник кўмаги жалб этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА 2020-2021 ЙИЛЛАРДА МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакат ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган минерал-хомашё базасини ривожлантириш, шунингдек, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмалардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, соҳанинг амалдаги ҳолати қурилиш материаллари саноатини, электротехника соҳасини ривожлантиришга қаратилган фойдали қазилмаларнинг янги истиқболли майдонлари ва конларини аниқлаш учун қидирув захираларини кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда, минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклашга доир мақсадли дастурларни шакллантириш ва ижро этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, минерал-хомашёнинг излаш ва қазиб олишга руҳсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим чоралар қабул қилинишини талаб қилади.

Иқтисодиётни минерал-хомашё ресурслари билан барқарор таъминлаш, геология тармоғининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда:

1. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан халқаро консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда, замонавий халқаро стандартлар ва илгор ҳорижий тажрибани жорий қилишни ҳисобга олиб **Ўзбекистон Республикаси минерал-хомашё базасини ривожлантириш стратегияси** ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, "Навоий КМК" ДК ва "Олмалик КМК" АЖ билан биргаликда ишлаб чиқилган, конларни топишни давом эттириш учун қидирув захираларини кўпайтириш мақсадида фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини қидиришни 2020 йилда 35 фоизга, 2021 йилда эса 40 фоизга етказишни назарда тутувчи ва қўйидагиларни ўз ичига олган **2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) маълумлансин:

1-иловага мувофиқ республиканинг геологик-иқтисодий ҳудудлари кесимида **фойдали қазилмалар прогноз ресурслари ва захиралари ўсишининг** йўлға параметрлари;

(Давоми 2-бетда).



### ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини модернизация қилиш инвестицион лойиҳасини амалга ошириш доирасида чет эллик шериклар томонидан нефть етказиб бериш бошланди. Шу тариқа ҳудуднинг энг йирик корхонаси фаолиятида янги даврга дебоча қўйилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тиклаш ташаббускори Шавкат Мирзиёевдир. Жорий йил 10 апрель куни Президентимизнинг "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўридан-тўғри ҳорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидидаги давлат улушини ҳорижий сармоядор — "Transasia Resources" (Индонезия) компаниясига сотиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг май ойида корхонага ташриф буюрган, вазият билан танишиб, сармоядор билан биргаликда заводнинг қувватларини модернизация қилиш бўйича биринчи навбатдаги тадбир ва вазифаларни белгилаб берган эди.

Шунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда заводнинг қувватларини ишга тушириш ва уни модернизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган махсус қарор қабул қилинди. Унда "Евро-4" ва "Евро-5" стандартларига жавоб берадиган бензин ва дизель ёнилқисми ҳамда "API" стандартлари бўйича II ва III гуруҳдаги юқори сифатли автомобиль мойи ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

3

### Президент ташрифидан сўнг ХОВОСГА ОБОДЛИК БИЛАН БИРГА ФАЙЗУ БАРАКА ҲАМ КЕЛДИ



Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга сафарлари ҳамиша улкан янгиланишлар учун асос бўлади. Хусусан, жорий йил 19 февралда Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ховос тумани марказини қайта қуриш, инфратузилмасини яхшилаш бўйича топшириқлар берган эди. Орадан беш ой ўтиб, Президентимиз яна ушбу туманда бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Чиндан ҳам, Ховос қиёфаси қисқа муддатда таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Зулфия Жалолова, гарчи ховослик бўлса-да, бу янгиланишларни мўъжизага қиёс қилади. Гап шундаки, атиги беш ой илгари ҳам унинг учун тонглар бугунгидек оتماди. Ўн йил давомида уйсизлик, бунинг устига, ишсизлик муаммосидан азият чекди. Бирда у, бирда бу хонадонга кўчишлар, го-

ҳида кўч-кўрони билан кўчада қолиш, ижара машаққатлари ва барақдаги ноқулай яшаш тарзи — буларнинг барчаси бир бўлиб муштипар аёлнинг эртанги кунга бўлган умид чирогини ўчириб қўяёган эди.

3

### ПАРЛАМЕНТ — ХАЛҚ ИРОДАСИНING ЧИНАКАМ ИФОДАЧИСИ

Миллий давлатчилигимиз тараққиёти, барча соҳада кечаётган изчил ислохотлар юртимизда парламентаризм тизимини жиддий ривожлантиришга ҳам туртки берди.

Давлат ва жамиятни модернизация қилиш, ушбу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада кўнчайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг фаолиятини мутлақо янги, замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратди.

4 ва 5-саҳифаларга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2. Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва келгусида амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

масъул вазирлик ва идораларнинг Миллий стратегия ижросининг бориши бўйича мувофиқлаштирилган ҳамкорлигини таъминлаш, зарур бўлганда белгиланган тадбирларнинг бажарилишига оид тезкор чораларни кўриш;

Миллий стратегияни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари, экспертлар ҳамжамияти ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, ушбу мақсадларда семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш.

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ж. А. Қўқоров):

бир ой муддатда мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган тадбирларни 2019 йил якунига қадар ижро қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин, шунингдек, режа ижросининг бориши тўғрисида ҳар ой Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин;

2020 йил 1 январга қадар “Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2020 йил 1 январга қадар соҳага ихтисослашган халқаро экспертлар кўмағида аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий оммабоплик даражасини ҳолисона баҳолаш мақсадида тадқиқотлар ва сўровлар ўтказсин;

молиявий оммабопликни такомиллаштириш учун Молиявий инклюзив иттифоқ ва хорижий мамлакатларнинг марказий банклари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2019 йил 1 августдан бошлаб куйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин, унга мувофиқ:

микроразнинг энг юқори миқдори **50 миллион** сўмгача, микрокредит миқдори — **300 миллион** сўмгача ва микроинвестиция миқдори — **600 миллион** сўмгача оширилади;

микроредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати **30 кундан 15 иш кунигача қисқартирилади**;

микроредит ташкилотлари **барча ишончли (бланкли)**

кредитларнинг улар шакллантирган устав фондида **фоиз нисбатини** мустақил белгилайди;

акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган микрокредит ташкилотларига **корпоратив облигацияларни** чиқариш ва уларни фақат юридик шахслар ўртасида жойлаштириш **ҳуқуқи** тақдим этилади;

хорижий микрокредит ташкилотларига Ўзбекистон Республикасида **фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотларининг устав фондида иштирок эттишига рўхсат** берилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб:

а) микрокредит ташкилотларига:

**банклар, сугурта компаниялари ва бошқа молия ташкилотларининг агенти сифатида** агентлик хизматларини фақат нақдсиз шаклда кўрсатиш ва агентлик битимининг мавжудлиги тўғрисида ахборотларни ошкор қилиш, шунингдек, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куралини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш шарти билан **қатнашишга**;

**макропруденциал назорат доирасида белгиланган нормаларга риоя қилинишини** таъминлайдиган ҳамжамлада кредитларни (қарзларни) жалб қилишга ва корпоратив облигацияларни чиқаришга;

**микроредит ташкилотлари бошқарувининг олий органлари қарори билан чакана хизматлар, шу жумладан, нақдсиз шаклда кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар марказларини** улар очилган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни хабардор қилган ҳолда очишга рўхсат берилади;

б) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари **жисмоний шахсларга** банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан потенциал қарз олувчини масофадан туриб идентификациялаш, маълумотлар хавфсиз алмашувини амалга ошириш ва скоринг модели асосида қарз олувчининг кредит қобилиятини баҳолашни таъминлаш шарти билан **онлайн-кредитлар (микроразлар)** бериш ҳуқуқига эга.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ куйидагилар таққилланади:

жисмоний шахсларга **хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш** ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

нобанк кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахслардан қисқа муддатли микромолиявий хизматлар таъминотига **кўчмас тураржой мулкни гаров сифатида** қабул қилиш;

**илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган мuddати ўтган қардорлик мавжуд бўлган тақдирда** жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш;

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

**2019 йил 1 сентябрга қадар** микрокредит ташкилотлари бинаolari ва касса хоналарининг техник жиҳозланганлик талабларини бугунги кун талаблари, халқаро тажриба ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш услубларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда соддалаштирсин;

**2019 йил 1 октябрга қадар** қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (қарзлар) бўйича қарз юкнини ҳисоблаш методологияси ва рўхсат этиладиган кўрсаткич бирикликларини, шунингдек, жисмоний шахсларнинг қарз юкнининг, шу жумладан, кунлик энг юқори фоиз ставкалари бўйича ўсишини чеклаб туришга оид меъёрларни тасдиқласин;

**2019 йил 1 ноябрга қадар** кредит ташкилотлари томонидан таваккалчиликларнинг мос равишда бошқаруви мавжудлиги, кредит бюраларидан кредит маълумотларини мажбурий олиш, фаолиятнинг хавфсизлиги ва узуқсизлигини таъминлашни назарда тутувчи масофадан туриб хизмат кўрсатиш тартибни тасдиқласин;

**2019 йил 1 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда илгари тижорат банкида дастлабки идентификациядан ўтган жисмоний шахсни кредит ташкилотлари томонидан масофадан туриб идентификациялаш механизмини жорий этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 декабрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Гаров реестри” ДУК маълумотлар базасини Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаси билан микромолиявий хизматлар бўйича гаровга қабул қилинган кўчар мулкка тақиқ қўйиш, бундан ва макомини текширишга оид кредит ташкилотларининг фойдаланиш имкониятини кенгайтиришни назарда тутувчи интеграциясини таъминласин; қонунчиликка микромолиявий хизматлар бўйича гаров шартномасини мажбурий нотариал тасдиқлашни бекор қилиш ва кредит ташкилотлари томонидан гаров реестрининг маълумотлар базасига тегишли ёзувларни киритиш билан бир вақтда маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг маълумотлар базаларига акс эттириш имкониятини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 1 ноябрга қадар мазкур қарор билан белгиланган нормалар таъсирининг таҳлили, шунингдек, соҳага ихтисослашган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг эксперт хулосаларидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни назарда тутувчи “**Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин; нобанк кредит ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари; нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг рўхсат бериладиган турларини аниқлаш;

микромолиявий хизматлар кўрсатиш ва уларнинг истемолчилари ҳуқуқини химоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш;

нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш тартиби.

11. **Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари барча тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон қарорига 1-илванинг 41-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки икки ой муддатда:

Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатлари ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА 2020-2021 ЙИЛЛАРДА МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2-иловага мувофиқ **ер ости сувлари захираларининг ўсиш** параметрлари;

3-иловага мувофиқ Давлат геология қўмитасининг геология ташкилотлари **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш** учун харид қилинадиган замонавий геология асбоб-ускуналари ва махсус техника воситалари, дастурий маъқулотлар ва материаллар рўйхати.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат дастурини амалга ошириш учун бюджет ажратмалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Давлат геология қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигидаги махсус мақсадли ҳисоб рақамларидан 4-иловага мувофиқ ажратилишини кўзда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича йиллик давлат дастурларини келишиш жараёнида Давлат дастурини амалга ошириш учун Давлат геология қўмитасига ажратилаётган маблағлар манбаларига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. **Геология-қидирув ишларини олиб боришни янада такомиллаштириш, ер қаърини оқилона ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, кон-геология соҳасининг инвестициявий ҳोजибдорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

“Навоий КМК” ДК, унинг негизида ташкил этиладиган урани қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, “Олмалиқ КМК” АЖ ресурс базасига кирувчи муайян геология объектиари алоҳида ажратилади, ушбу ресурс базасига киритилмаган бошқа геологик объектлар ва Давлат геология қўмитаси томонидан янгидан аниқланадиган фойдали қазилма конлари ва истиқболли майдонлар салоҳиятли инвесторларга берилади;

Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда, кейинчалик ушбу маълумотларни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш ва бошқа қулай расмий воситалар билан, шу жумладан, салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун бизнес тадбирларда иштирок этиш ҳамда чет элларда “road-show”лар ўтказиш орқали тарқатиш мақсадида, тизимли равишда, бироқ бир йилда камида бир марта истиқболли майдонларда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва қидириш, шунингдек, конларда фойдали қазилмалар қазиб олишни ташкиллаштириш бўйича инвестициявий тақлифлар портфелини шакллантиради.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда куйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

а) “Навоий КМК” ДК, унинг негизида ташкил этиладиган урани қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, “Олмалиқ КМК” АЖ ресурс базасига бириктириладиган геология объектиари рўйхатини тасдиқлаш;

б) куйидагиларни назарда тутган ҳолда стратегик муҳим турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартибини такомиллаштириш:

стратегик муҳим турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартибини, шу жумладан, тегишли ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва ваколатли органлар билан келишишда бир-бирини тақорловчи босқичларни қисқартириш орқали соддалаштириш;

стратегик муҳим турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда бериш.

7. Давлат геология қўмитаси:

а) икки ой муддатда Давлат дастурига киритилган ҳар бир объект бўйича аниқ муддатда ва куйидагилар учун масъул бўлган ташкилотларни назарда тутувчи “тармоқ графикалари” ишлаб чиқилишини таъминласин:

геология-қидирув ишларини олиб бориш учун геологик топшириқларни ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш;

фойдали қазилмаларнинг прогноз ресурслари ва захиралари кўпайишини ҳисоблаб борган ҳолда геология-қидирув ишларини олиб бориш;

геология-қидирув ишлари натижалари тўғрисида ҳисоботларни Давлат геология қўмитасининг Илмий-техникавий кенгаши ва Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси ййгилишларида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

б) 2020 йилдан бошлаб етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилган ҳолда **геология-қидирув ишлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни тузишнинг халқаро стандартларини ва фойдали қазилмалар захираларини JORC Кодексига асосан тасдиқлашни жорий қилиш**, шунингдек, Давлат геология қўмитасининг малакали мутахассисларини ўқитиш ва сертифицициялашни назарда тутсин;

в) Давлат дастури доирасида куйидагилар амалга оширилишини таъминласин:

чет эл ўқув марказларида геология йўналишидаги мутахассисларнинг амалиёт ўташи ва иқтидорли ёш мутахассис-бакалаврларни сиртки магистратура йўналишларида ўқитиш;

рақамли геологик ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, унинг очқиллиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат геология фондидаги архив материаллари бўйича рақамли ахборотлар банкни ташкил қилиш;

геология-қидирув ишлаб чиқаришга мавжуд геологик ва бошқа маълумотларни рақамлаштиришни кенг жорий қилиш;

г) икки ой муддатда салоҳиятли инвесторларга фойдаланиш имкониятини тақдим этган ҳолда, **қаттиқ фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонлари ва конлари тўғрисидаги маълумотлар (захиралар, жойлашган ўрни,**

**жойлашув чуқурлиги ва бошқалар)ни жойлаштириш учун** **жойна электрон онлайн платформа** яратсин.

8. Давлат геология қўмитасига юклатилган вазифаларни самарали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг худудий бўлинмасидан битта штат бирлигини қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти тузилмасида қўшимча битта **геология ва минерал-хомашё базаси бўйича бош мутахассис** штат бирлиги кўзда тутилсин.

Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибиятига бириктирилсин.

9. Молия вазирлиги Давлат геология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин:

кон-геология соҳасида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва амалга оширишнинг лицензия битими асосида ҳамкорлик қилишнинг шакли ва шартлари белгиланишини назар тутувчи халқаро амалиётни жорий қилиш;

тўлиқ молиялаштириш таъминланган тақдирда чет эллик инвесторларга тадбиркорлик таваккалчилиги шартлари асосида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳуқуқини тақдим қилиш;

фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш ҳуқуқи учун имтиёзли бонус ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

кон қазии соҳасидаги халқаро стандартларни қўлланши ҳисобга олган ҳолда стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилмаларнинг асосий турлари учун ер қаъридан фойдаланишга оид солиқ ставкаларини мақбуллаштириш;

чет эл инвесторлари томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг барча турлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда тўланиши;

лоийҳани амалга оширишнинг бутун даврида солиқ қонунчилигининг ўзгармаслиги кафолатларини таъминлаш.

10. Давлат геология қўмитасининг 6-иловага мувофиқ геология ташкилотлари учун жойларда замонавий керн сақлаш омборхоналарини ташкил этиш, лаборатория кувватлари ва бошқа объектларни жиҳозлаш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Тошкент, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳўжимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси замонавий керн сақлаш омборхоналарини ташкил қилиш учун геология ташкилотларига белгиланган тартибда ер участкалари ажратилишини таъминласин.

11. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти” давлат корхонасида замонавий халқаро таълим стандартларини жорий этишни ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашни ҳисобга олган ҳолда унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2954-сон қарори билан ташкил қилинган 2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Ички гурўҳига Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига 3 ва 5-илваларида кўрсатиб ўтилган параметрларга ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, бутун республика бўйича тасдиқланган умумий параметрлар доирасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инновация ривожланиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Навоий КМК” ДК, “Олмалиқ КМК” АЖ, Фанлар академияси, Энергетика вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш ва утилизация қилиш имкониятларини танқидий ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари дастурини киритсин.

14. **Ушбу қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий чора-тадбирлар режаси** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Давлат геология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатлари ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 июль

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН:

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЕТАКЧИЛИК САЛОҲИЯТИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги байрами тобора яқинлашмоқда. Шундай кунларда юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган инсонлар, уларнинг қилган эзгу ишлари ёдга тушади. Мамлакат мустақиллигини таъминлашда, Ўзбекистоннинг эркин тараққиёт йўлидан дадил интилишида жуда катта ҳисса қўшган инсонлардан бири, шақ-шубҳасиз, Ўртбошимиз Шавкат Мирзиёевдир.*

*У кишини яхши билган, маълум бир йилларда бирга ишлаган юртдошимиз, Ўзбекистон фан арбоби, академик Оқил САЛИМОВнинг қишлоқлари билан қизикдик.*

— 1987 йилда мени ирригация институти ректори этиб тайинлашди. Ушунда Шавкат Миромонович институтнинг партия қўмитаси ўринбосари лавозимида ишларди.

Бу

# ХОВОСГА ОБОДЛИК БИЛАН БИРГА ФАЙЗУ БАРАКА ҲАМ КЕЛДИ



Бугун унинг кайфияти чоғ. Субҳидамда рўзгор юмушларини битирган, борадиган манзили тайин — “Сирдарё барака чеварлари” фабрикаси. Давлатимиз раҳбарининг шу йил февралдаги ташрифидан сўнг бор-йўғи 17 кунда ташкил этилган корхонада аввалига у каби ишсиз, ижтимоий ҳиммага муҳтож кўплаб хотин-қизлар бир жамоага бирлашган.

Шинам ишхона, қулай шарт-шароит ва энг муҳими, кафолатли маош. Корхонанинг шундоқ рўпарасида эса “Ховос сити” кун сайин бўй чўзмюкда. Ва корхона чеварлари каби Зулфия ҳам қайсидир бинодаги уй ўзиники бўлиши-

тининг маслаҳати ва фатвосини олиш нияти бўлган экан. Ушанда, эҳтимол у киши келажақда бу жой обод бўлиб, катта шаҳар пайдо бўлишини ҳаёбан тасаввур қилган-дир. Аммо турли сабабларга кўра, орадан 26 йил ўтиб, сўнгги уч йилда масжид қуриб битказилди. Масжид ёнида аввалига Чаманзор деб номланган намунали лойиҳадаги уй-жойлардан иборат маҳалла пайдо бўлди. Энди эса Президентимиз ташаббуси билан унинг атрофида замонавий шаҳар бунёд этилмоқда.

Охириги 50 йилда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида биронта кўп қаватли уй қурилганга тумандоғи ҳозирги бунёдкорликларни таърифлашга

“Янгиртранссервисфайз” МЧЖ раҳбари Қахрамон Сулаймоновнинг билдиришича, ушбу вазифани адо этиш учун имкониятлар етарли. Масалан, “Ховос сити” қурилишида композит арматуралардан ҳам фойдаланилмоқда. Унинг одатдаги турдошларидан афзалликлари кўп. Муҳими, нархи арзон ва ўзимизнинг корхоналарда тайёрланади. Яна бир жиҳат: бинолар мансард услубида ёпиляпти. Бундай томлар ўзгача мейморий ечимга эга. Бизнинг иқлимимизга мос. Яъни иссиқ ҳароратни ушлаб қолади, бинони намгарчиликдан ҳимоялайди. Хонадонларнинг деворига берилаётган махсус ишлов ҳам ҳарорат меърида бўлишига хизмат қилади.

Бунёдкорлик жараёнидаги бундай замонавий ёндашув сантехника, электр ва бошқа тармоқларни ўрнатишда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жорий йил кузда фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган 10 та кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш дўконлари бўлиши эса аҳолига, шунингдек, йўлдан ўтаётганларга қулайлик яратди. Ва бундай шохобчалар тартибли жойлашувини таъминлайди. Бу ерда кўплаб маъмурий бинолар, мактаб, истироҳат боғи, кинотеатр, кутубхона, бозор ва бошқа иншоотлар қурилиши ҳам жадал давом этмоқда. Яна “М-34” автойўлининг “Ховос сити”дан ўтадиган қисми кенгайтирилиб, пийдалар, велосипед йўлаклари, бекатлар қурилмоқда.

Туманимиз Тожикистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ховос тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Шодиев. — Президентимизнинг бутун дунё эътирофи эътиборини яхши кўшничлик сиёсати туфайли кунда-кунора тожикистонлик меҳмонлар эмин-эркин Ховосга келиб турибди. Улар ҳам шаҳарчамиздаги ўзгаришлардан ҳайратда. Рости,



биз, бир гуруҳ ховосликлар Манас қишлоғини бориб кўрганимизда, бизнинг шаҳарчамиз ҳам шундай кўркам бўлармикан, деб оруз қилган эдик. Ниятимиз холис экан, буни қарангки, ўша сафардан кўп ўтмай Юртбошимиз Ховос тумани таширф буюрди да хозир қурилиш бораётган жойда “Ховос сити” барпо этиш тақлифини билдирди. Кўриб турганимиздек, орадан ярим йил ҳам ўтмай, биз оруз қилгандан-да, улугвор шаҳарнинг илк қиёфаси пайдо бўлди. Бундан ташқари, эски ҳудуддаги ободонлаштириш, қурилиш ишлари-чи? Кўчалар равион, кенг ва ёруғ бўлиб қолди. 19 та кўп қаватли уй атрофидаги хунук манзара ўрнини кўркун тароват эгаллади.

Сўхбат асосида, шунингдек, раис ўринбосари “Ховосга ободлик билан бирга файзу барака ҳам келди”, деди. Ва бу гапни битта оила мисолида исботлаб берди. Ховос шаҳарчасининг Шохбекат кўчасидаги 35-уйда яшовчи Ёқуб Хидиров “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури туфайли бугун оилавий бюджетини анча мустақамлаб олибди. Кредит эвазига ҳарид қилган 35 та куркасини бир йил ўтмаёқ 500 тага етказибди. Энди у жойни кенгайтириб парандалар сонини 1000 та қилиш ниятида экан. Энг асосийси, оила аъзоларининг барчаси иш билан таъминланган.

...Ховос шаҳарчаси юқорисида Ховособод маҳалласи бор. У “Обод қишлоқ” дастури экинликлардан чиroy очган юртимиздаги илк манзиллардан бири. Ховосободдаги Эски Ховос тепалиги эса худуднинг икки минг йиллик тарихини кафолатлайди. Қолаверса, мазкур археологик ёдгорлик атрофида бир неча зиёратгоҳ ҳам борки, улар мазийда бу заминда табарук инсонлар бўлганлигидан дарак беради. Бугун Сирдарё вилояти тарих музейида Эски Ховос-тепадан қазиб олинган археологик топилмалар жуда кўп. Улардан бири Ҳумо қуши тасвири туширилган шамчироқ балдоғидир. Бундан қўринадики, бугун биз эзгулик рамзи сифатида эъзоландиган Ҳумо қуши аждодларимиз учун ҳам ёруғлик, эртанги ойдан оруз-ниятларининг ифодаси бўлган экан.

Ховоснинг кўҳна, Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳаси сифатидаги ўчмас ўтмиши бор. Кўплаб қадимий битикларда ва хусусан, “Бобуронома”да унга оид муҳим маълумотлар келтирилган. Бугун эса ушбу қадимий кентнинг янги тарихи яратилмоқда. У, ўз навбатида, жонажон Ватанимиз тарихининг ҳам ёрқин саҳифаларидан бирига айлансин, шубҳасиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

# ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ



Ҳозирги кунда сармоядорнинг саъй-ҳаракатлари билан ишга туширилмаган қувватларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш бошланди. Хусусан, тўртта қурилма қайтадан ишга туширилди. Заводнинг энг катта муаммоси — нефть хом ашёсининг тақчиллиги ҳал этилди. Бу махсуслот ишлаб чиқаришнинг муттасил камайишига сабаб бўлиб келаятган эди.

Илгари завод ойига ўртача 60 — 65 минг тонна нефтни қайта ишлаган бўлса, энди бу кўрсаткич босқичма-босқич уч баробаргача оширилди. Келгусида эса қайта ишлаш ҳажмини 4-5 баробаргача кўтариш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг натижасида ҳозиргача 192 мутахассис ўз иш ўрнига қайтди, уларнинг сонини 400 га етказилди.

Заводнинг қувватларини ишга тушириш ва махсуслот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш маҳаллий бюджетга қўшимча равишда салмоқли солиқ тушумларини таъминлайди, бу эса худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводини уч босқичда модернизация қилиш

режалаштирилган. Лицензия эгалари сафига АҚШнинг “Honeywell UOP”, Франциянинг “Axens”, Даниянинг “Haldor Topsoe” ва дунёдаги нефтни қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқарувчи бошқа етакчи компаниялар кирди.

Лойиҳани амалга ошириш учун сармоядор томонидан “GS” компанияси (Жанубий Корея) мутахассислари жалб қилиниб, улар заводни техник кўриқдан ўтказди. Тўпланган маълумотлардан корхонани модернизация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Биринчи босқичда Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи маҳаллий бозор учун ишлайди, истиқболда эса юқори сифатли харидоригр нефть махсуслотларини Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон каби қўшни давлатларга етказиб беришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Масалан, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Афғонистон ҳукуматлари оро комиссиясининг 17 июль кунини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган биринчи мажлиси доирасида “Transasia Resources” компанияси билан Афғонистонга 1 миллион тонна нефть махсуслотлари етказиб бериш тўғрисида битим имзоланган.

Ў.А.

## Ғамхўрлик

### 11 минг киши тиббий кўриқдан ўтказилди

Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси ҳамда Тошкент шаҳар тиббиёт бош бошқармаси ҳамкорлигида маҳаллаларда чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ташкил этилмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида ушбу тадбирларга 11 минг нафарга яқин фуқаролар қамраб олинди.



— Ҳозирги кунга қадар тиббиёт ходимлари билан бирга пойтахтимиздаги кўплаб маҳаллаларда бўлди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси вакили Ойбек Тешабеков. — Улар орасида тиббий кўриққа боришга имконияти йўқ, тўшаққа миҳланиб қолганлар ҳам бор. Ташаббусимиз ана шундай фуқароларга зарур шароитларни яратиб бераётгани билан ҳам аҳамиятли. Тиббий кўриқ натижасида 4 мингдан ортиқ беморлар аниқ-

ланиб, соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Тадбир доирасида ногиронлиги бўлган 16 нафар фуқарога махсус аравачалар, протез-ортопедик воситалар ва ҳомийлар совғалари ҳада этилди. Мингга яқин беморлар бегул доридорлар билан таъминланди.

Айни пайтда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган бундай тадбирлар илҳам довом эттирилмоқда.

«Халқ сўзи».

## Ҳаж сафари: ТАШКИЛИЙ ИШЛАР ЙИЛДАН-ЙИЛГА ЯХШИЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 24 июль кунини ўзбекистонлик зиёратчиларнинг дастлабки гуруҳи биринчи рейс билан Саудия Арабистонига жўнаб кетади.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф мажмуасида брифинг ташкил этилди.

### Брифинг

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан зиёратчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳаж сарф-ҳаражатларини янада арзонлаштириш борасида қўрилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида юртдошларимизнинг ислом дини бешинчи рукнини адо этиш имкониятлари тобора ортмоқда. Агар 2016 йилда мамлакатимиздан 5 минг киши ҳаж сафарига борган бўлса, 2017 йилда уларнинг сонини 2 минг нафарга кўпайди. Жорий йилда эса 7 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ҳаж қилиш учун Саудия Арабистонига йўл олмоқда.

— Ўтган йиллардаги фарқли равишда бу йил бўлғуси ҳожиларимиз Ватанда бўлиб турган пайтларидаёқ ўзларини улуг ибодатга ҳам маънан, ҳам руҳан тайёрлаб, хайрли ташаббус билан чиқдилар, — деди Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Нуриймон Абдулҳасан. — Яъни ўз ихтиёрлари билан ижтимоий кўмакка муҳтож шахслар, ҳам таъминланган оилалар учун хайрия ёрдами сифатида 9 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳаж мавсумидаги яна бир янгилик сарф-ҳаражатлар сметиаси бўйича ҳар бир зиёратчидан олинмайдиган маблағ 5 миллион сўмга арзонлаштирилиб, 33 миллион 300 минг сўм этиб белгиланган бўлди. Ваҳолонки, жорий йилдан эътиборан Саудия Арабистонидан барча турдаги хизматларга 5 физиклик қўшимча қиймат солиғи ва меҳмонхоналарга яна 2,5 физиклик солиқ киритилиши туфайли хизмат кўрсатиш нархлари ошиши керак эди. Лекин ўзбекис-

тонлик зиёратчилар учун белгиланган хизматлар нархи оширилиши ўрнига сезиларли даражада туширилган катта ўтшади бўлди. Анжуманда қайд этилишича, ҳаж сафари билан боғлиқ ташкилий ишлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Масалан, илгари ҳожиларимиз икки юлдузли меҳмонхоналарда туришган бўлишса, бу йили Мадина шаҳридаги 5 юлдузли “Пулман замзам” меҳмонхонаси, Макка шаҳридаги 4 юлдузли “Абросул Ҳидоя” меҳмонхонаси ижарага олинди.

Юртдошларимиз мана шундай юксак эътиборга мос равишда ҳаж ибодатини адо этиб, Ватанимизга қайтган, шахсий ҳаётда, ижтимоий фаолиятда бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатишда, бор куч-ғайратларини эзгу, савобли ишларга сарфлашда, дея алоҳида таъкидланди.

Зиёратчилар шу йилнинг 24 июль — 3 август кунлари Тошкент — Мадина, Бухоро — Мадина, Наманган — Мадина, Самарқанд — Мадина, Қарши — Мадина, Урганч — Мадина ҳамда Нукус — Мадина йўналишларида ҳаж сафарига кўзатиладилар ва шу йўналишлар бўйича 17 август — 1 сентябрь кунлари мамлакатимизга қайтиб келадилар.

Зиёратчиларни Саудия Арабистонидан қутиб олиш, кузатиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ишлари Ички гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жидда шаҳридаги Бош консулхонаси “Ҳаж” ва “Умра” масалалари бўйича атташеси ҳамкорлигида ташкил этилади.

Санд РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

Кейинги йилларда республикаимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг май ойида Президентимиз ташаббуси ва амалий саъй-ҳаракатлари билан Рамазон ойида Суриядан 156 нафар ўзбекистонлик ҳамюртимиз Ватанига қайтарилди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланаётди.

### Фармон ва ижро

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш орқали уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби мустақамланди. Шу билан бирга, ушбу йўналишда фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тасдиқланиб, Ички ишлар вазирлиги комиссиянинг ишчи органи этиб белгиланган эди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ишчи органга Фар-

мон асосида жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб 33 та муносабат келиб тушган. Шундан 16 таси Фармон талабларига мос келмаган бўлса, 8 таси ишчи орган томонидан ўрганилмоқда, қолган 9 таси бўйича тасвирий маълумотлар тузилган.

Бу йил 2 июль кунини ўтказилган Идоралараро комиссия йиғилишида 9 нафар шахсининг муносабати муҳокама қилинди. Натижада уларнинг 5 нафарини жиноий жавобгарликдан озод қилиш, 3 нафарини жиноий жавобгарликдан озод қилишни рад этиш ҳақида комиссия хулосалари тузил-

ди. Инсонпарварлик принципларидан келиб чиққан ҳолда, бир нафар (аёл) шахсини жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини қайта ўрганиш учун муносабат ишчи органга юборилди.

Олиб борилган амалий тадбирлар натижасида жиноий жавобгарликдан озод қилинган бир нафар шахс Туркия давлатидан Ўзбекистонга, ота-онаси ва оиласи билан қайтиб келди. Жиноий жавобгарликдан озод қилинган яна 4 нафар фуқарони ҳам юртимизга қайтариш чоралари кўриляпти.

Комиссия Фармон ижросини таъминлаш ишларини давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари устувор эканидан далолатдир.

Республика идоралараро комиссияси.

## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БОШҚАРУВНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги сифат босқичига кўтариши, шубҳасиз.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида жамият тараққиётининг устувор йўналишларига ҳамроҳан кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Замон талабларига мос кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлири ташкил этилмоқда. Жаҳон андозалари даражасида жиҳозланаётган университет институтларда янги таълим йўналишлари, мутахассисликлар очилляпти.

### Муносабат

Эндиликда олий ва касб-хунар таълими муассасаларида ўқиш учун хорижий фуқароларни кенг жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Чунонки, юқорида номи келтирилган Фармонга мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари), касб-хунар таълими муассасалари директорларига бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда хорижий фуқароларни ўқиштириш учун олий ва касб-хунар таълими муассасаларида алоҳида бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, касб-

лар ва мутахассисликлар очиш, уларни ўқиштириш тили ҳамда академик гуруҳ шакллантириш учун зарур талабалар (ўқувчилар) сонини, касб-хунар таълими муассасаларида касблар ва мутахассисликлар бўйича таълим олиш истагини белгилаш ҳақида қарор қилиниши, уларни ўқов-контракт асосида ўқиштириш қийматини белгилаш ҳуқуқи бериллади.

Дунёдаги нуфузли олий таълим муассасаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг молиявий мустақиллигидир. Ушбу таълим масканлари инновацион фоя ва ишланмаларни турли ком-

паниялар ҳамда корхоналарга сотишдан катта даромад кўради. Шу боис улар иқтидорли ёшларни саралаб олиш, сифатли таълим бериш, илмий янгиликлар ва тадқиқотларга рағбатлантиришдан доимо манфаатдордир.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар юртимиз олий таълим даргоҳлари учун ҳам бу борада кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорига олий таълим муассасаларининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари ҳамда оқурилиши ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш режалаштирилляпти.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида университетимизда қатор ишлар амалга ошириллади. Жумладан, 2019 — 2023 йилларда талаб юқори бўлган мақолали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ри-

вожлантириш юзасидан “Йўл харитаси”, шунингдек, 2030 йилгача университетни ривожлантириш концепцияси қабул қилинган. Уларга мувофиқ, худудлар, иқтисодий тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш эҳтиёжлари, шунингдек, халқаро рейтинг бўйича мингталikka кирган хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш асосида кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, режага кўра, университетимизда иқтисодий (тармоқлар ва соҳалар бўйича), бухгалтерия ҳисоби, банк иши, давлат молиясини бошқариш, маркетинг, кадрлар менежменти мутахассисликлари бўйича магистратурага мақсадли қабул квоталари ошириллади. 2019/2020 ўқув йилидан брендини бошқариш, стратегик таҳлил ва ташхиллаш, иқтисодий ҳафсизлик ва минтақавий иқтисодий мутахассисликлар бўйича магистратурага қабул ташкил этилади.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг Самарқанд фи-

лиалида Германиянинг Вайштерфанд-Триздорф амалий билимлар университети билан ҳамкорликда янги ўқув йилидан озиқ-овқат иқтисодиёти (Food staff management) бакалаврият таълим йўналиши очиллади. Ҳозирги кунда мазкур таълим йўналишининг ўқув режалари, фан дастурлари ишлаб чиқилган, ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишини Германияда давом эттириш шартлари бўйича музокара олинб бориляпти.

Президентимиз Фармони ва қароридан белгиланган барча чора-тадбирларнинг бекаму кўст амалга ўрта махсус таълим тизими раванқини янги босқичга кўтардики, бу мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда ҳам гоят муҳимдир. Зеро, ҳар бир соҳа ривож улардаги етук мутахассисларга, соҳада яратилган шарт-шароит ва имкониятларга бевосита боғлиқ.

Шерзод МУСТАҒОҚУЛОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети проректори.



# ЧИНАКАМ ИФОДАЧИСИ

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Сенатор — бу халқнинг юксак ишончини қозонган вакил

Бугун улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ҳамда имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият куралиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, миллий иқтисодийни кучайтириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Айтиш жоизки, бундай кенг қамровли иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнида Олий Мажлис Сенатининг ҳам алоҳида ўрни бор. Сенат фаолияти, унинг зиммасига юклатилган заворли вазифалар кўламини сўнгги йилларда, айниқса, янгича мазмун касб этди. Натижада унинг мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ўрганиш ва ҳал қилиш, уларга ечим топиш юзасидан турли ташаббуслар кўрсатишдаги роли янада мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Сенатнинг йиғирманчи ялпи мажлисида қўриб палата фаолиятига берилган танқидий-таҳлилий баҳо сенаторларнинг ўз ишини яна бир бор ҳолис кўриб чиқиш, зарур мақсад ва вазифаларни белгилаб олишида ўзига хос туртки вазифасини ўтади. Шу асосда истиқболли режалар белгилаб олинди. Зеро, Ўртбошимиз қайд этганидек, сенатор — бу халқнинг юксак ишончини қозонган вакилдир.



Светлана АРТИКОВА, Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари, Фуқароларнинг қароқолган ҳаёт ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси раиси:

## «Мажбурий меҳнатга барҳам бериш биз учун асосий мезон бўлиб қолаверади»



— Тузилмавий номидан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда мажбурий меҳнат ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яқин-яқингача пахта мавзуси, болалар меҳнати ҳақида сўз юритиш керак бўлса, очиги, кўпчилигимиз озгичмасдик. Бу масалани кўриб-кўрмаганга олишга уринардиқ. Натижада талаба ва ўқувчиларни пахта теримига сафарбар қилиш таълим жараёнида салбий таъсир кўрсатаверди.

Хабарингиз бор, 2007 йилда айрим хорижий нодавлат ташкилотлари ва компаниялари томонидан чет эл ОАВда «Ўзбекистонда пахта йиғим-теримида бола меҳнатидан фойдаланилаётгани» учун унга норозилик тариқасида бу давлатдан пахта хом ашёсини сотиб олишни бойкот қилиш»га доир қарорлар эълон қилинган эди. Оқибатда АҚШ ва Фарб давлатлари Ўзбекистондан пахта хом ашёсини бошқа маҳсулотлар сотиб олишни «қора рўйхат»га киритди.

Шавкат Мирзиёев Президент сифатида ўз фаолиятини бошлаганидан кейин бу соҳада ҳам туб ўзгаришлар бошланди. Аввало, пахта толасини тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш учун чора-тадбирлар кўрилди. Давлатимиз раҳбари болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарт сифатида эътибор қаратди.

Болаларни пахта йиғим-теримига жалб қилишни қатъиян ман этди.

Ортимизда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қатор ҳужжатлар эълон қилинди. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг мажбурий меҳнати чеклаш ҳамда олдини олиш масалаларига оид 9 та қарори қабул қилинди. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда ижтимоий шериклик ва ўзаро мулоқотни кучайтириш устида мунтазам ишлар йўлга қўйилди.

Фуқароларнинг қароқолган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилгани эса амалдаги меҳнат қонунчилигини хатловдан ўтказиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларни илгари суриш имконини берди.

Ўзбекистон делегацияси Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари давлат органлари ҳамда халқаро ташкилотларни Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари, жумладан, меҳнат ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишга бағишланган тадбирларда иштирок этди. Уларнинг доирасида пахта кампанияси коалицияси билан биргаликда «йўл харитаси» ишлаб чиқишига эришилди. Орадан кўп вақт ўтмай, 2019 йил 25 март куни АҚШ Меҳнат департаменти Ўзбекистон пахтасини мажбурий ёки болалар меҳнати воситасида етиштирилган маҳсулотлар «қора рўйхат»дан чиқарди.

Комиссия томонидан вояга етмаганларни жамоат тадбирлари, акциялар, учрашувларда иштирок этиш учун жалб қилишда амалдаги қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқ стандартлари талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш, натижаларини Парламент комиссияси мажлисида муҳокама қилиш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди.

Зайниддин НИЗОМХУЖАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси:

## «Таълим соҳасида ҳали камчиликлар кўп»



— Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланишлар, ўзгаришлар ва ислохотлар миқёси жуда кенг. Улар ҳар бир шаҳару қишлоқда, хонадонларда, одамларнинг тақдирини намоён бўлмоқда. Бу каби улғуров мақсадлар, режалар ва рақамлар остида, умуман ислохотлар замирида қандай оғир масъулият юки турганини ҳаммамиз ҳис қилишга ва бундай масъулиятни қатъий ирода ҳамда журъат билан ўз зиммасига олаётган Ўртбошимизга елкадош бўлишга бурчлимиз. Зотан, халқ билан, турли соҳа ҳамда тармоқларда, ҳудудларда фаолият олиб бораётган фидойи ва ташаббускор инсонлар билан мулоқотларимиз шунинг кўрсатмоқдаки, афсуски, ҳали жамиятдаги муаммоларнинг аниқланганидан аниқланмагани, долзарб масалаларнинг ҳал этилганидан ҳал этилмагани кўпроқ.

Масалан, Ўзбекистон Давлат бюджетининг ҳаражатларида умумтаълим соҳаси етакчи ўринни эгаллайди. Бироқ таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, мактабларнинг моддий-техника базаси, соҳа ходимлари учун шарт-шароитлар кундан-кунга яхшиланиб бораётган бўлишига қарамай, таълим сифати ва натижаси кутилган самарани бермаяпти.

Сўнгги уч йилда Давлат бюджетини ва мақсадли китоб жамғармасининг қарийб 307 млрд. сўм маблағи эвазига 98 млн. ҳудуддан ортиқ дарсликлар чоп этилган. Аммо уларни яратишга оид мукамал ҳуқуқий асослар шу пайтга қадар тўлиқ шакланмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Дарсликларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда эса дарсликлар лойиҳасини

тегишли фан ўқув дастурлари асосида ишлаб чиқиш, экспертлар гуруҳи томонидан бу лойиҳаларни қандай мезонлар асосида баҳолаш тартиби белгиланмаган. Бу дарсликлар лойиҳаларини шаффоф баҳолаш, улар юзасидан кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, ўқитувчилар, ота-оналар, тегишли эксперт ва бошқа мутахассисларнинг ҳаққоний, ҳолис муносабатини билиш имконини даярли йўққа чиқарган.

Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини алоҳида фан сифатида ўқитиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Биз таълим сифати, пировардида бутун миллат келажагига дахлдор бўлган мазкур масалалар ва муаммолар кўламининг фоят кенглиги, улар юзасидан масъул вазирлик ҳамда идоралар, олим ва амалиётчилар, экспертлар, қолаверса, кенг жамоатчилик муносабати муҳимлигини инобатга олиб, умумтаълим мактаблари дарсликларини тайёрлашнинг бугунги ҳолати юзасидан бир қатор саволлар баён этилган парламент сўровини Бош вазир ўринбосарига йўллашнинг лозим топдик.

Кўйма томонидан мамлакатда имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳолати ўрганилди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўзи оғирлар учун итисослаштирилган мактаб-интернати 220 ўринга мўлжалланган бўлса-да, бу ерда ҳозирги кунда 350 нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олмоқда. Кўзи оғир ёшларни ёзиш мосламаси билан таъминлаш ишлари ҳам тизимли йўлга қўйилмаган. Хулосалар асосида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилди.

Умуман, давлатимиз раҳбари нутқида билдирилган танқидий фикрлар Олий Мажлис юқори палатаси фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда бугунги кун талаблари даражасига кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мақсад эса аён — миллий парламентимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини амалда намоён этиш орқали Сенатни халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришдан иборат.

«Халқ сўзи».

Танзила НОРБОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси:

## «Билдирилган таҳлилий-танқидий фикрлар бизга дастуриламал бўлмоқда»

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий парламентаризм исчилик ривожланиб бормоқда. Демократик принциплар асосида фаолият юритадиган қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари, ижро ҳокимияти фаолиятини доимий равишда такомиллаштириш — кўп вақт ва албатта, катта куч талаб этадиган мураккаб масала.

Сенатнинг йиғирманчи ялпи мажлисида Президентимиз томонидан билдирилган таҳлилий-танқидий фикрлар бундан кейинги фаолиятимизда дастуриламал бўлади. Унга асосан, Сенатнинг жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳужжатда қонун ижодкорлиги фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва нуфузини янада мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Биз қонунларни муҳокама қилишда ҳудудий манфаатлар нуктаи назардан жамоатчилик муҳокамасини кучайтириш, жараёнга фуқаролик жамияти институтлари вакилларини кенг жалб этиш, уларнинг тақлифларини инобатга олишни ҳам режалаштирдик. Шунингдек, жойларда халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, бунда маҳаллий Кенгашлар томонидан қаттиқ назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу ўринда Сенатнинг парламент назоратини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, суд ва бошқа соҳаларда қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича янгича ёнда-

шув жорий қилинди. Яъни Сенат аъзоларининг ОАВ билан ҳамкорлиги янада кучайтирилади.

Шу билан бирга, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, ҳудудлар манфаатларини ҳисобга олиш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш парламент юқори палатасининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Эндилдиқда ялпи мажлисларда ҳокимлар ҳисоботларини эшитарканмиз, фақатгина парламент эшитувчилари натижалари тўғрисида қарор қабул қилиш ёки ҳокимият ва давлат органларига умумий кўрсатмалар бериш билан чекланиб қолмайди. Бошқача айтганда бўлса, қабул қилинган қарорларда жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва маълум бир ҳудудда аҳолининг муаммоларини камайтиришга қаратилган аниқ вазифаларни ақс эттиришга эришмоғимиз керак. Қарорлар ижросини кенг жамоатчилик иштирокида самарали мониторинг қилиш ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга етказиб бериш ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Бундан ташқари, сенаторлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиради, бу, ўз навбатида, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратни ҳамда самарали жамоатчилик алоқаларини таъминлаш имконини беради. Зеро, ислохотлар самарасини таъминлаш ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутатида катта масъулият талаб этади. Бу масалада биз, сенаторлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан яқин ҳамкорликни кучайтирсак, қўзлаган мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Қолаверса, ушбу ёндашув Президентимизнинг ҳокимнинг айна вақтида халқ депутатлари Кенгаш раиси сифатида фаолият кўрсатишига

доир тартиб бекор қилиниши лозимлиги тўғрисидаги гоёси жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлари арафасида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ўз-ўзидан тушунарлидир.

Сенатнинг халқаро фаолияти Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтириш, фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш, шу жумладан, жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган туб ислохотларнинг моҳиятига оид ҳолисона маълумотлар билан таъминлаш каби йўналишларни қамраб олади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш чораларини кўрямиз.

Бундан ташқари, болалар меҳнатига чек қўйиш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга мослаштириш, шунингдек, гендер тенглигини таъминлаш масалаларида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни янада кенгайтириш назарда тутилган.

Парламентимиз тарихида илк бор аёл киши Сенат Раиси лавозимига сайланди. Шунинг узиёқ мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор қанчалик юқорилигини кўрсатиб турибди. Бу йўналишдаги ишларни юқори палата миқёсида доимий равишда назорат қилиб бориш мақсадида Сенатда гендер тенглиги масалалари бўйича алоҳида кўмита тузиш ташаббуси илгари сурилди, бунинг замирида жуда ҳам юксак вазифа ва залворли мақсадлар ётдиби.

Ривожланган давлатлар тарихидан маълумки, хотин-қизлар фаоллиги қўллаб-қувватланмаса, ҳар қандай юксак

мақсадларга интилган мамлакат ҳам барқарор ривожлана олмайди.

Бу борада юртимизда таҳсинга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда интеллектуал қобилияти юқори, чуқур билимга, бизнес юритиш тажрибаси ҳамда ахлоқий фазилатларга эга аёллар жамиятнинг барча жабҳасида ўз фикр ҳамда гоғларини тўлақонли ифода этаётганликларини кўриб турибмиз. Қисқача айтганда, юртимизда аёл кишининг юқори лавозимни эгаллаши, интеллектуал доираларда катта мақсадларга эришиши ва сиёсий фаолият билан шуғулланиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Сенат Раиси раҳбарлигида Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш комиссияси ҳам фаолият юртияпти. Мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид мунозараларни кўриб чиқиш, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам бериш бўйича умумэътирозий этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш борасида комиссия томонидан муайян ишлар борилапти.

Эндилдиқда Сенатнинг ҳам мазкур йўналишдаги фаолияти янада кучаяди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қўмаклашувчи комиссиянинг ҳам фаолияти йўлга қўйилган.

ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар тузилди.

Парламентимиз юқори палатасига АҚШ, Афғонистон, Буюк Британия, Беларусь, Германия, Грузия, Франция, Норвегия, Россия, Сингапур, Словакия, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Қирғизистон, Қозғистон, Кувайт ва бошқа давлатларнинг 50 дан ортиқ делегациялари таширф буюрди. Хорижий давлатлар парламент делегациялари, халқаро ташкилотлар ва чет эл бизнес вакиллари билан 44 та учрашув ўтказилди.

Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси ўринбосари Ильяс Умаханов, Қозғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Н. Нигматуллин каби мартабали меҳмонлар парламентимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаб, бу хусусда ижобий фикрлар айтишга бизни беҳад қувонтиради.

Президентимиз ялпи мажлисида бизнинг олдимизга жуда катта вазифаларни ҳам қўйди. Жумладан, хорижий инвестицияларни қўллаб «йўл хариталари» устидан парламент назоратини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг ижросини мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ўрин олган мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашга интиламиз.

ни ва аҳолини қўйнаб келаётган муаммоларни ўрганиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент вилоятида ўтказилган ўрганиш натижаси январь — март ойлариде халқ депутатлари Бекобод, Бука, Бустонлик, Паркент, Юқори Чирчиқ, Пискент туманлари ва Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари Кенгашлари сессияларида Сенат Раиси ва сенаторлар иштирокида кўриб чиқилди. Уларда муҳокама этилган 75 та масала юзасидан 82 та мансабдор шахснинг ахбороти тингланди.

Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудларда бўлиб, давлатимиз раҳбарининг йиғирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда маълумланган қонунлар ва қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти хусусида маҳаллий Кенгашлар сессияларида чиқиш қилди. Маҳаллалар аҳли, оддий одамлар билан бўлиб учрашув ва мулоқотлар ўтказиб, бу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини уларга етказишди.

Сенаторларнинг халқ билан мулоқоти конструктив тақлифлар, ҳудудлардаги оғриқли масалаларни аниқлаш ҳамда жойида ҳал қилишда муҳим «амалий кўприк»ка айланди.



Алишер КУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси:

## «Йўл хариталари» устидан парламент назоратини амалга ошириш вазифаси юкланди»

— Сўнгги йилларда парламент, умуман, Сенатнинг мамлакат ташқи сиёсатидаги ўрни ва аҳамияти тобора мустаҳкамланаётгани кундек равшан. Юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш, шунингдек, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар билан дунё жамоатчилигини яқиндан таништириш бобида Парламент дипломатияси институтидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсат тўғрисида Ўзбекистон учун қўллаб-қувватлов очилди. Парламентнинг дунё билан алоқалари жонланди.

Давлатлараро иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда инвестициявий ҳозирбадорлигини ошириш юзасидан ҳам қатор ташаббусларга қўл урилди. Шу

мақсадда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар парламентлари билан кўп қиррали ва самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида изланиш олиб борилмоқда. Шу нуктаи назардан, Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Қонунчилик фаолиятида тўғридан-тўғри амал қилмайдиган ҳужжатлар тайёрлаш ва қабул қилиш амалиётини жорий этиш фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналишидир. Масалан, айна пайтда чет эл инвестициялари бобидаги муносабатлар тартибга солувчи 8 та қонун, 14 та Фармон ва 100 дан ортиқ қўриқ ҳужжатлари мавжуд. Бироқ маҳаллий ва хори-

жий инвесторларни соҳадаги муносабатларга доир қанча ҳужжат қабул қилинганга кўзичирмайди. Уларни бутун тизимнинг аниқ ва самарали ишлаши кўпроқ жалб этади. Шу нуктаи назардан, бугунги дунё амалиётини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни ўрганиш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар рўйхатини шакллантириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Жорий 2019 йил бошидан буён хорижий давлатлар парламентлари билан алоқаларини янада ривожлантириш юзасидан қатор ишлар қилинди. Хусусан, Олий Мажлиснинг МДХ иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеясидаги доимий делегацияси таркиби тасдиқланди. Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг тегишли қарорлари билан Ўзбекистон — Испания ҳамда Миср Араб Республикаси парламенти билан



Толібжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раиси:

## «Маҳаллий Кенгашлар иши бугунги кун талабига жавоб бермайди»

бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Фақатгина 2018 йилда Сенат тарихида илк мартаба тегишли вилоят ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас».

Эндиги фаолиятимизни шу асосда қайта кўриб чиқиб, иш режаларимизни тасдиқлаш, маҳаллий Кенгашлар ишини жонлантириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олдик. Бунда парламент эшитиш бўйича қабул қилинган қарорлар мазмуну ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топшириқлар бериш билан чекланиб қолмаслигига урғу берилаяпти.

Афсуски, қўллаб маҳаллий Кенгашлар депутатларининг профессионал савияси, депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш кўникмаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу нуктаи назардан, айна пайтда комиссиямиз ишини янада жонлантириш, жойлардаги депутатлар билан ўзаро амалий ҳамкорликни кучайтиришга катта эътибор қаратиляпти. Масалан, ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда улар иштирокини кучайтириш мақсадида назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, ялпи мажлисларда Қашқадарь, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди.

Қолаверса, сенаторлар томонидан ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий аҳо-

**QQB | 25 йил**  
**QISHLOQQURILISHBANK**



**Миллий валютадаги муддатли «Юбилей» омонатини таклиф этамиз.**

**Омонатга маблағлар:**

- 2019 йилнинг 2 августига;
- 25 ойга қабул қилинади.

**Омонатнинг юқори миқдори — 25 000 000 сўм.**

**Омонат фоизи — йиллик 22 %.**  
 Ҳисобланган фойз тўловлари ҳар ойда амалга оширилади.

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Тел. 78-150-72-58, 78-150-93-39. [www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)  
 Хизматлар лицензияланган.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**  
 танлов эълон қилади.

**СИЗНИ ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

Танлов предмети: Самарқанд вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида тўртта ва Фарғона вилоятида битта лотдан иборат уруғчилик кластерлари ташкил этиш. Уруғчилик кластерини йўлга қўйиш бўйича маълумотлар ва шартлар танлов ҳужжатида кўрсатилган. Талаб этиладиган инвестицион мажбуриятларнинг энг кам миқдори:

**Самарқанд вилояти бўйича:**

- лот №1 — 9000 млн. сўм;
- лот №2 — 8000 млн. сўм;
- лот №3 — 5000 млн. сўм;
- лот №4 — 5000 млн. сўм.

**Фарғона вилояти бўйича:**

- лот №1 — 6800 млн. сўм.

Танлов 2019 йил 12 август соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биносида ўтказилади.

**Танловнинг асосий шартлари.**

Танловда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, танлов талабларини бажарган, уруғчилик кластерини йўлга қўйиш истагида бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс иштирок этиши мумкин. Давлат ташкилотлари хусусий шерик сифатида, шунингдек, хусусий шерик тарафидан қатнашишлари мумкин эмас. Талабгорлар танлов комиссиясининг ишчи органига мурожаат қилиб, танлов ҳужжатини олишлари мумкин. Банкрот деб эълон қилинган ёки тугатиш босқичида бўлган ёхуд мол-мулки хатланган юридик шахслар танловда иштирок этишга қўйилмайди. Танловни ўтказиш ва унда қатнашиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаш тартиби танлов ҳужжатида кўрсатилган. Аризалар ва таклифлар 2019 йил 30 июль соат 18.00 гача қабул қилинади. Танлов таклифларининг очилиши бевосита комиссия мажлисида амалга оширилади. Яқунда танлов ғойиблари билан давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерини ташкил қилиш бўйича уруғчиликни ривожлантириш маркази ўртасида битим имзоланади.

Батафсил маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:  
 100058, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 70-уй.  
 Телефонлар: 71-289-13-98, 71-289-13-95. Факс: 71-262-53-70.  
 Электрон почта манзили: don1@chugmarkaz.uz

**Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!**

**«Халқ сўзи»даги Реклама** — **Бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

**ОБЩЕСТВО КРАСНОГО ПОЛУМЕСЯЦА УЗБЕКИСТАНА**  
 объявляет конкурс на выбор поставщика по приобретению необходимых товаров по различным лотам в соответствии со спецификациями, представленными ниже по двум лотам:

**ЛОТ № 1**

№	Наименование	Спецификация	Ед. изм.	Кол-во
1.	Кухонный набор	кастрюля — 5 л, черпак — 1 шт., капкир (совок) — 1 шт., нож из нерж. стали — 1 шт., чашка металлическая большая — 1 шт., чашка металлическая маленькая — 5 шт., кружка металлическая — 5 шт., ложка — 5 шт., вилка — 5 шт. Упаковано в коробке.	Комп.	20
2.	Матрас	материал: ткань хлопчатобумажная; размер: 0,9x1,90 м; цвет: темно-синий или темно-красный; наполнитель: хлопок/синтепон; вес: не менее 4 кг	шт.	140
3.	Подушки	материал: ткань хлопчатобумажная, вата х/б; размер: 0,5x0,6 м; цвет: темно-синий; наполнитель: хлопок/синтепон; вес: не менее 1,8 кг	шт.	140
4.	Стеганое одеяло	материал: ткань хлопчатобумажная, цветная; размер: 2x1,40 м; наполнитель: хлопок/синтепон; вес: не менее 2 кг	шт.	140
5.	Спальное белье	материал: ткань хлопчатобумажная, цветная; 1. Пододеяльник размером 2,05x1,45 м — 1 шт.; 2. Простыня размером 2,05x1,45 м — 1 шт.; 3. Наволочка размером 0,4x0,5 м — 1 шт.	Комп.	140

**ЛОТ № 2**

№	Наименование	Спецификация	Ед. изм.	Кол-во
1.	Палатка	Палатка размером 3x4 метра большой вместимости на легком металлическом каркасе (желательно алюминий) с четырьмя окнами (два окна с каждой стороны) и настилом на пол. Цвет: белый, с логотипом проекта и ОКПУ. Материал: ПВХ баннерного типа на плотной водонепроницаемой основе. Логотип проекта (будет представлен) и ОКП Узбекистана (Красный Полумесяц). Высота не менее 2,5 метра. Удобная для транспортировки, устойчивая на грунте, асфальте, бетоне (т. е. на твердой поверхности). Легкая в сборке и разборке. Удобная для транспортировки. Наличие специального чехла в виде рюкзака с ручками для переноски на спине из плотного водонепроницаемого материала. Окна на палатке должны быть со встроенными москитными сетками. Высокая устойчивость к перепадам температуры и различным погодным условиям, включая эргономичность всех конструкций палатки.	шт.	10

В конкурсе могут участвовать компании, имеющие сертификат на соответствие товара и лицензии на предоставление указанных товаров. Заинтересованные компании могут отправить коммерческие предложения на фирменном бланке в запечатанных конвертах до 15.00 3 августа 2019 года по адресу: 100031, г. Ташкент, ул. Юсуфа Хос Ходжиба, 30. Коммерческие предложения, поступившие позже указанного срока, рассматриваться не будут. Коммерческие предложения, в которых не представлены цены на весь перечень приобретаемых товаров, не смогут полноценно принять участие в конкурсе. Убедительно просим указать номер лота, в котором предполагается участие заинтересованной компании. В коммерческом предложении просим обязательно указать:

- стоимость товара за единицу и общую стоимость товара;
- сроки действия предложенных цен;
- условия предоплаты и доставки;
- сроки поставки товара после внесения предоплаты со стороны заказчика;
- копию свидетельства государственной регистрации (лицензия);
- копию удостоверения личности руководителя компании (копия паспорта).

По вопросам проведения конкурсного отбора обращаться по телефонам: 78-150-81-11, 98-812-20-27.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби

кафедраларига магистратура мутахассисликлари фанлари бўйича дарс бериш учун профессор-ўқитувчи (кафедра мудири, профессор, доцент ва катта ўқитувчи) лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов шартлари ва тегишли ҳужжатларнинг намуналари <https://rgsbm.uz> веб-саҳифада келтирилган. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 71-239-03-05, 71-239-03-08.

**амкордор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ**

**«АМКОДОР-TASHKENT» МЧЖ ХК**  
 «АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли санчкили юклагичлар

**Чегирма Чегирма Чегирма**

**Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар**  
 Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Моб.: 90-974-00-61, 90-900-61-72. Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17.  
 Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 457 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетаниз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Девонхона 71-233-52-55;  
 Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.  
 Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
 Газета таҳририят компьютер марказида теривди жамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланади.  
 Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100000,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
 Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.  
 Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
 Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.10 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6